

чиг. меҳнатчиликнинг кайфияти чоғ.

«Лиен Со» — бу сўзлар Вьетнамда дўстлик раъзинга айланган.



О. ОЛЕЙНИК,

АПН мухбири,
Ханой.

Дунс Курвалан ва бошқа сиёсий мабухлар овоз қилинишни, чиқарилган ҳукмлар бевор қилинишни ва қонунга хилоф янги судбозликлар тўхтатилишини талаб этишлар.

(ТАСС, 27 май).

ЎЗБЕКИСТОН КУЗГУСИ



Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллик юбилейи шарафига республика халқ ҳужаљати ютуқлари ва таълимий-воситачи кўрсаткичлари билан тўдирилмоқда. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллик юбилейи шарафига республика халқ ҳужаљати ютуқлари ва таълимий-воситачи кўрсаткичлари билан тўдирилмоқда. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллик юбилейи шарафига республика халқ ҳужаљати ютуқлари ва таълимий-воситачи кўрсаткичлари билан тўдирилмоқда.



КИНОСАЇЪАТИ-МИЗ ЮЛДУЗЛАРИ

«Тинчлик, социал тартиқ, халқлар озолиги учун» шiori остида ўтаётган Осиё ва Африка мамлакатларининг унчи халқор Тошкент кинофестивали мусоба-ти билан Ўзбекистон киносанъа-ти музейи ходимлари кўпгина ишлари амалга оширилди.

Музей коллективни Ўзбекистон давлат кинометити раҳбарлиги-да, республика кинопрокат студ-диси ёрдамида Москвадан Алек-сей Михайлович Патов бошчили-гидаги расмолар, «Рассом» ком-бинати ходимлари — Шнилов, Райков ҳамда Ўзбекистон жур-налистлар Союзи ижодий фото-студиясининг директори И. Г. Зорский ёрдамида Тошкент ша-ҳри кибонлари, киотеатрлари, меҳмонхоналари турли фото-кўргазмалар билан беэди. Ле-нин проспектидаги «Ленин обра-зи кинода» фотокургазмасидан Лениннинг ёшлигидан тортиб, ҳаётининг сўнгги кунларига бу-лган даврини эсга элтган кино-фильмларидан, шунингдек «Ўзе-бекфильм» студияси яратган «Ле-нин йўлнамаси билан», «Ичкилоб-чавондо» кинокартиналаридаги ба-ҳан бир кадрлар ўрин олган. Шу ердаги «Булзисам» Иттифо-қи номи иккинчи кўргазмага эса барча кўрдош республика ки-немографияси намуналаридан кадрлар кўйилди.

Алишер Навоий номида театр майдонидан «Масхуф» 50 йил-лик ва «Ўзбекистон киномато-графияси 50 йил ичида» фото-кўргазмалари қўйилган. Санъат саройи қўшмадаги майдонда эса, 15 республика байроғи ва герби ўртасига энг, юқори ба-ҳон олган ўша республика кинофи-льмидан кадр кўйилган. Оша ре-спубликаси герби ўртасига «То-ҳир ва Зухра» фильмидан оли-нган кадр қўйилган. Санъат са-ройига қирғизистондаги майдон-да Осиё ва Африка мамлакат-ларининг унчи Тошкент халқор кинофестивалида иштирок эт-ётган 9 кўрдош республика фото-кургазмаси ўсотирилган.

Санъат саройининг биринчи ка-вати залидан эса «Совет Итти-фоқи кино юлдузлари» фотокургаз-маси ўрин олган. Ана шу кино юлдузлари орасида 16 ўзбек ак-терининг сурати бор. Иккинчи қават залидан «Ўзбекистон кино-сининг 50 йиллик босиб ўтган йўли» фотокургазмаси ташкил этилган. Бу кўргазма беш даврин ўз ичига олади. Унда биринчи давр — овозсиз фильмлар (1924—1936 йиллар), иккинчи давр — овозли фильмлар (1937—1941 йиллар) даври, учинчи давр — Улуу Ватан уруши даври, тўртин-чи давр—1946—1958 йиллар, бе-шинчи давр—1959—1970 йилларга оид кадрлар бор. Бундан таш-қари, шу қаватда Москвада тай-ёрланган «Экспортфильм» фото-кургазмаси ҳам қўйилган. Унда Совет Иттифоқидаги энг яхши фильмлардан намуналар ўз ифо-дасини тошган.

Ҳозирги пайт Осиё ва Африка мамлакатлари фестивалининг қиз-гин давридир. Шу даврача Ўзе-бекистон киносанъати музейига 300 дан зиёд экспонат йиғилди. Улар ичида ранг-баранг кино-журналлар, жаҳон кино юлдузла-рининг расми, тўхталар бор.

Музей илмий ходимлари томо-нидан экскурсиялар, суҳбатлар ўсотирилди. Тўлқинчи иш олиб бориш учун, Навоий театр майдонига, Санъат саройига, «Нукус», «Кўкча» Тошкент 50 йиллик кинотеатрларига биттадан илмий ходим йиғилган.

Юқоридаги ишлари ташкил этишда музей илмий ходимлари-дан, айниқса, Г. Суҳачева, И. Ах-медов ва бошқалар жонбозлик кўрсатмоқда.

Э. ҚОДИРОВ.

ЖОНАЖОН ДИЁР ЛАВҲАЛАРИ

Ушанг томошабинлар билан лиқ бўлган санъат саройи саҳнасида, экран ёнида республиканинг атоқли санъаткорлари пайдо бўла-дилар. Уларни ҳамма таниди. Ҳатто фестивалга келган чет эл-лик кино намоёндалари, журна-листлар ҳам уларни жаҳон эк-спозициясида бир неча бор кўриб қолганлар. Уларни СССР халқ артистлари Социалистик Меҳнат Қарамони Комил Ермо-тов, Лутфиҳоним Саримсоқова, Шуккур Бурҳонов, Раззоқ Ҳамро-ев, шунингдек театр ва кинода кўп аjoyиб образлар яратган Ҳамза Умаров, Лола Бадалова ва бошқа «Ўзбекфильм» киносту-диясининг аjoyиб ижодкор кол-лективини томошабинлар, чет эл-лик меҳмонлар самимий табрик-лайдилар. Кино мухлислари фе-стивал кўригига расмий ташкил этилган «Абу Райҳон Беруний» бадий фильмининг режиссери, таълиқ ўзбек кино санъаткори Шуккур Аббосовни ҳам қизгин кутиб оладилар. Уларга гуллар ташкил этилди, Залда ижодий муваффақиятлар тилаб қилинган қарсақлар йиғилди.

Кино санъаткорлари томоша-бинлар ёнидан жой оладилар. Экранда бундан минг йил бурун ўтган, хоразмлик буюк аллома аждоҳиди Абу Райҳон Беруний-нинг ҳаётини эсга элтган лавҳа-лар қўйилди.

Фильм сценарийини беруний-шунис олим Т. Булғаклов билан Шукрат Аббосов ёзган. Оператор —постановкачи Ҳатам Файзиев. Беруний ролини артист Пўлат Са-идқосимов ижро этган. Шунинг-дан фильмдаги бошқа ролларни таълиқ артистлардан Б. Вейшенеллер, Р. Ҳамроев, Т. Шо-йирова, Д. Қамбаров, Г. Азиз-мов, Т. Ҳўжаев, Ш. Эргашев, У. Алиқўжаев, Б. Ватаев, Т. Тоқиев ва бошқалар қатнашганлар.

Экранда элмининг нотинч, қўли узоқ ўтқиш жонланади. Буюк даҳо экрани олдига ўли билан кўрилади. Зулмат ичида маънавий қирқатган эл алломи-ларини асдо ўлмайдилар. Улар қол-дирган обидалар жаҳон фани та-рихида янги саҳифалар очиб кел-моқда.

Абу Райҳон Беруний ҳам ис-сониятга эга обидалар қолдирган фан ва маърифатнинг буюк да-ҳоларидан. Шунинг учун ҳам фильм кўригига кўп томошаби-лар йиғилган эди.

Томошабинлар ва фестивал қатнашчилари билан лиқ тўлган, салқин, кўнам залда ўтириб, иккинчи қаватдан иборат кенг экрани-ли, рангли бадий фильмини кў-ридан кечирар эканми, республи-камизнинг кино тарихи ҳаёда жонланади.

Ўзбекистон киноматографияси Октябрь революциясининг ҳай-баҳш ёлдузларидан баҳраманд бў-либ қамол топти. Чўқур гоёвий-лик, юксак бадийлик йўлида ол-га шаҳам қадамлар қўйиб, аjoyиб муваффақиятларни қўлга киритди. Кино санъаткорларимиз бир қанча аjoyиб фильмларни томошабинларга ҳади этдилар. «Ҳасам», «Тоҳир ва Зухра», «Алишер Навоий», «Пахтаой» ва бошқа бадий фильмлар мамла-катимизда ва Хорижий элларда ҳам амалга оширилди. Улар орасида режиссёрлар Р. Ботиров, А. Ҳамроев, Д. Са-идқосимов, операторлар Э. Ҳамроев, Д. Фатхуллин, Л. Травинский, А. Мухаррамов, сценарийчи О. Ағишев, артистлар Т. Режабов, У. Алиқўжаев, С. Норбоева ва бошқаларни кўра-тиш мумкин.

«Ўзбекфильм» киностудияси миллий киноматографияни тара-қий элтиришдаги хизматлари учун 1972 йилда Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофот-ланди. Бу олий мукофот диёр-миз киносанъаткорларини янги ижодий муваффақиятларга ил-ҳомлантириб юборди. «Ўзбек-фильм» киностудияси коллектив-и республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигига муносиб совға тайёрлаш учун ўз павилонларида ижодий иш олиб бормоқдалар. Янги бадий, хро-никаль ҳужжатли фильмлар эк-ранида чиниқ олдига турипти.

Бугун кўншли диёримизда, ки-ночиларимиз даргоҳида катта та-нава. Ижоднинг турли қитла-ридан машҳур кино намоёндала-рини меҳмон бўлиб келишган. Улар фестивалда қатнашиб, ўзбек ки-ночилари даргоҳида ўз ижодлари-ни намоий қилмоқдалар, кино намоёндаларимиз билан учрашиб, ижодий—дўстлик алоқаларини ўрнатмоқдалар.

Бу янги учрашув фильмларни кўрсатиш, кино санъатини ри-вожлантиришнинг ақвал пробле-маларини биргаликда муҳокама қилиш тараққийпарвар киномато-графияларнинг ижодий таърифи-сани баҳам қўришлари, ўз куч-ларини бириктириб, қизиллашти-ришлари шубҳасиз хизмат қила-ди.

Республикамиз кино санъат-корларига фестивал кунларида янги ижодий муваффақиятлар и-стаъимиз. Улар юксак дидли, талаб-чан томошабинларимизга муносиб ёрқин ленталар яратдилар деб ишонамиз.

Бизнинг интервью

ДУСТОНА ҲАМКОРЛИК

ЖИКО РИСТИЧ,

югославиялик киноматогра-фиячи делегацияси бошлиғи, ҳужжатли фильмлар режиссери

Мен Тошкентга Совет—Юго-славия ҳамкорлигида яратила-ётган фильм устидаги ишнинг давом эттириш учун келдим. Қайсини, бу фильминг яратиш-да ўзбек сценарийнависи Одел-шо Алишев, ўзбек кинорежис-сери Али Ҳамроев, ва Менинг касбдош ватандошларим зўр бериб меҳнат қилмоқда. Фильм темаси халқларимиз ўртасидаги интернационал дўстлигига ба-ғишланган. Менинг бу мавзуга аллақачон ишончим қомил.

Ижодий иш юзасидан бош-лаган сафарим менинг фести-валда — Осиё ва Африка мам-лакатлари киноси байрамидан иштирок этишим билан қўшил-иб кетди. Бу байрамда мен кўпгина дўстларимни, кино-санъат соҳасидаги ўртоқларим-ни учратдим.

Сиз маенг фестивалдан ол-ган таассуротларим ҳақда сў-рашсан... Таассурот хилма-хил бўлади: мушак сингари ёрқин, лекин тода унутилиш ҳам мумкин, гоҳо чўқур из қолди-ради, узоқ вақт ёйда санлама-ди. Совет коммунистлари пар-тиясининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежнев таби-ри менда мана шундай чўқур таассурот қолдирди.



Суратда: вьетнамлик киноматографикачиларини фестивалга олиб келган «Далага қайтиш» фильмидан бир кўриниш.

ҲАР ТҮҒРИДА НЕЙЛОНДАН... ЮРАК

— Яқинда австриялик про-фессор Навратиль, — деб ха-бар беради «Фольксштимме» газетаси, — «Юрак ўрини эгаллайдиган мослама яратиш-га ва уни синаб кўришга му-ваффақ бўлди. Вена универси-тети клиникасида қилинган операция муваффақиятли туга-ди. Бунда профессор Бип бу-зоқнинг юрагини олиб, унинг ўрнига ўзи кашф этган, ней-лондан шилланган мосламани қўйди. Нейлон ва алюминдан тайёрланган бу «юрак» асосий юракни бутун функциясини ўз зиммасига олди ва қонни бир меъёрга ҳаракатга келтириб турди. «Нейлон юрак» 72 кун ишлади.

Сўнг бу аппаратни бузоқ-нинг организмидан олиб, сал-кам икки ярим ой «дам олган» ҳақиқий юракни қайта қўйиш-ди. Ҳозирда бузоқ ҳақиқий юрағи билан яшамокда ва ўзи-ни яхши ҳис этмоқда. Про-фессор Навратиль худди шун-дай иккинчи экспериментга тайёрланмоқда. Лекин хирург навабдаги сунъий нейлон юрак-ни узоқроқ муддатда синаб кўрмоқчи.

ДОРДА МОТОЦИКЛ БИЛАН УЧИШ

Монхендаги Мариенплац майдонидан ўтқинчилар гажум бўлган пайтда мотоцикллар-нинг шовқин-сурони ҳамма-нинг диққат-эътиборини ўзига тортиди. 100 метр баландли-даги миноралар орасига тор-тилган аэрон устида икки ар-тист ҳавфли номерни баъарла-ди киришдилар. Мотоцикл-нинг гиндираклари аста ҳара-қатга келди. Мотоцикли ҳай-довчиси ва унга осилиб ол-ган иккинчи акробат биринчи гўмбаз билан иккинчи гўмбаз оралиғидаги 380 метрлик ма-сфосани босиб ўтишга кириша-ди. 380 метрлик жаҳодлати манзил... Мотоцикли ва акробат қўлларидан бу номери яратган фирманинг кўргама-ли рекламасини кўтариб ўти-шди.

АЛЕКСАНДРИЯ ЯНА ОЛДИНДА

Жаҳон чемпионлигига даъво-гар шахматчи аёлларнинг Рига-даги баҳси қизғин давом этмоқ-да. Бу ерда Нина Александрия билан Марта Шуль ўзаро куч синашмоқдалар. Учрашув бо-шида Александрия кетма-кет икки ғалабани қўлга киритиб, анча илгарилар кетган эди.

БИРИНЧИ УЧРАШУВ-ҒАЛАБА

«А» класс биринчи лигасида қатнашётган баскетбол коман-даларининг навабдаги учра-шувлари бошланди. ТомДУ ко-мандаси ўз майдонда Олма-отанинг «Локомотив» коман-дасини қабул қилиб, 93:78 ҳис-о-бида ғалаба қозонди. Бу мат-чада ҳужумчиларимиз Г. Андеев ва Р. Абилновлар айниса

КУРАШ ДАВОМ ЭТАДИ

СССР кубоғи учун кураш қизғин паллага кирмоқда. Кун-и кеча нимчорак финалга чиқ-қан командалар ўзаро иккинчи марта учрашиб, энг кучли сак-киз команда кубок учун ку-рашини давом эттириш ҳуқуқига эга бўлди.

Нимчорак финал учрашува-рида «Қайрат» футболчиларини қабул қилган Ворошиловград-нинг «Заря» командаси аjoyиб муваффақиятли қўлга киритди. У рақиб устидан 4:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Биринчи учра-шувада ҳам «Заря» футболчили-ри 3:2 ҳисобида голли чиқиш-ган эди. Энди улар чорак фи-нал матчида Москванинг «Спартак» командаси билан учрашадилар.

«Спартак» эса нимчорак фи-нал учрашувида «Торпедо» ко-мандасини орқада қолдирди.

АЛЕКСАНДРИЯ ЯНА ОЛДИНДА

Аммо навабдаги ўйинларда ўзини тўтиб олган Шуль ҳисоб-ни тенгаштиришга муваффақ бўлди. Шундан кейин Алек-сандрия яна ташаббусни қўлга олди, ва қиторасига иккинчи ғалабани қўлга киритди. Шу та-риқа ҳисоб Александрия ҳисо-бига 4:2 бўлиб турипти.